



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 15 » oktabr

№ 647

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасида заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар кўмилган ҳамда сақланаётган махсус объектлар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Заҳарли кимёвий моддаларнинг фуқаролар соғлиғи ва атроф-муҳитга зарарли таъсирини бартараф қилиш, жойлардаги заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар кўмилган ҳамда сақланаётган махсус объектларнинг хавфсиз ҳолатда сақланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 15 июлдаги ПФ–6262-сон Фармониغا мувофиқ:

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси негизида Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ташкил этилганлиги;

“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ва ҳудудий “Агрокимёҳимоя” АЖларни тугатиш бўйича республика комиссияси ва унинг ҳудудий комиссиялари ташкил этилганлиги;

“Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ва ҳудудий “Агрокимёҳимоя” АЖларни тугатиш бўйича республика комиссиясига “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ва ҳудудий “Агрокимёҳимоя” АЖлар мол-мулклари ҳамда асосий воситаларини хатловдан ўтказиб, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигига ўтказиш ёки хусусийлаштириш чораларини кўриш, шунингдек, мол-мулк ва техникалар талон-тарож қилинишининг олдини олиш бўйича чоралар кўриб бориш вазифалари юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ва ҳудудий “Агрокимёҳимоя” АЖларни тугатиш бўйича республика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология кўмитаси), Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 1-иловага мувофиқ заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар кўмилган ҳамда сақланаётган махсус омбор ва полигонларни (кейинги ўринларда – махсус объектлар) ҳудудий жойлашувига кўра Давлат экология кўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ва ҳудудий “Агрокимёҳимоя” АЖларни тугатиш бўйича республика комиссияси ва унинг ҳудудий комиссиялари махсус объектларни Давлат экология кўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига белгиланган тартибда бериш чораларини кўрсин.

4. Давлат экология кўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг:

Сирдарё вилояти, Ховос тумани, Фарҳод-5 кўргони манзилида жойлашган захарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар сақланаётган омборни консервация қилиш;

Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, Қоракамар массиви манзилида жойлашган омборда сақланаётган захарли кимёвий ва бошқа токсик моддаларни Ғузур туманида жойлашган махсус полигонга кўчириш ва махсус полигонни консервация қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Сирдарё вилоятининг Ховос тумани, Фарҳод-5 кўргони ҳамда Қашқадарё вилоятининг Ғузур тумани, Қоракамар массиви манзилларида жойлашган омборларда сақланаётган захарли кимёвий ва бошқа токсик моддаларни зарарсизлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Тошкент вилояти ҳокимлиги Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат экология кўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Тошкент вилоятининг Бўстонлик тумани, Яккатут қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида кўмилган маргимуш чиқиндиларини (кейинги ўринларда – маргимуш чиқиндилари) кўчириб кўмиладиган янги жойи юзасидан асослантирилган таклифларни, шунингдек, мазкур тадбирларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Белгилансинки:

махсус объектларни консервация ва реконструкция қилиш, маргимуш чиқиндиларини бошқа жойга кўчириб кўмиш, шу жумладан, лойиҳа-смета ҳужжатларини (ишчи лойиҳаларини) ишлаб чиқиш билан боғлиқ чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан;

махсус объектларни жорий сақлаш харажатлари Экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан;

маргимуш чиқиндилари кўчириб кўмиладиган янги жойни жорий сақлаш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Давлат экология кўмитаси:

махсус объектларда олиб бориладиган рекультивация ва ободонлаштириш ишларининг Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг худудий бошқармалари билан келишилган ҳолда амалга оширилишини;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда ҳар чоракда махсус объектлар атрофида захарли моддаларнинг тарқалишини аниқлаш бўйича тупроқ ва ер ости сувлари таркиби кимёвий таҳлилдан ўтказиб борилишини;

махсус объектларнинг санитария-муҳофаза зонаси координаталари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлигига тақдим этиб борилишини;

махсус объектлар атрофидаги экологик мувозанатни барқарорлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳар чорак якуни билан ахборот киритиб борилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги келгусида махсус объектларнинг санитария-муҳофаза зонасида аҳоли ва ижтимоий объектлар қурилиши ва коммуникация тармоқларининг жойлаштирилишига йўл қўймаслик чораларини кўрсин.

10. Барча махсус объектларга ўз вақтида ўта хавфли захарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар кўмилганлигини инобатга олиб, уларнинг бугунги кундаги хавфсизлигини таъминлашга Давлат экология кўмитаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарлари шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

11. Давлат экология кўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “ 15 ” ~~ОКтябр~~ даги 647-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза
қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига оператив бошқарув ҳуқуқи
асосида бепул берилаётган заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар қўмилган
ҳамда сақланаётган махсус омбор ва полигонлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Махсус объект жойлашуви	Махсус объект номи	Махсус объект майdonи (га)	Жорий ҳолати
1	Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзак тумани	“Қораўзак”	10,0	Консервация қилинган (2018 йил)
2	Андижон вилояти, Хўжаобод тумани	“Заурак”	3,96	Консервация ишлари яқунига етказилмаган
3	Бухоро вилояти, Бухоро тумани	“Кунжиқала”	2,0	Консервация қилинган (2020 йил)
4	Жиззах вилояти, Фориш тумани	“Эгиз булок” (“Боғдон”)	12,0	Реконструкция қилинган (2018 йил)
5	Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани	“Пачкамар”	3,35	Консервация ишлари бошланмаган
6	Навоий вилояти, Қизилтепа тумани	“Маликчўл”	1,0	Консервация қилинган (2019 йил)
7	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани	“Боғибаланд”	11,4	Консервация қилинган (2015 йил)
8	Самарқанд вилояти, Нуробод тумани	“Сазағон”	2,0	Консервация ишлари яқунига етказилмаган
9	Сурхондарё вилояти, Термиз тумани	“Наврўз”	5,0	Консервация қилинган (2020 йил)
10	Сирдарё вилояти, Мирзаобод тумани	“Янгиер”	1,5	Консервация қилинган (2014 йил)
11	Фарғона вилояти, Қува тумани	“Акбаробод”	0,8	Консервация қилинган (2013 йил)
12	Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани	“Янгиариқ”	4,5	Консервация қилинган (2015 йил)
13	Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани	“Ҳазорасп”	10,0	Реконструкция ишлари яқунига етказилмаган
14	Сирдарё вилояти, Ховос тумани	“Фарҳод-5”	Омборнинг заҳарли кимёвий моддалар сақланаётган қисми	Жойида консервация қилиш талаб этилади

Изоҳ. Махсус объектларда олиб борилган ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномаларга мувофиқ ушбу объектларда тугалланмаган ишлар бўйича иш ҳажмлари аниқланади ва амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил “15 октябрь”даги 647-сон қарорига
2-илова

**Сирдарё вилоятининг Ховос тумани, Фарход-5 кўрғони ва Қашқадарё вилоятининг Ғузор тумани,
Қоракамар массиви манзилларида жойлашган омборларда сақланаётган заҳарли кимёвий ва бошқа токсик
моддаларни зарарсизлантириш бўйича амалга ошириладиган ишлар
РЕЖАСИ**

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ташкилотлар
I. Сирдарё вилояти, Ховос тумани, Фарход-5 кўрғони манзилида жойлашган заҳарли кимёвий ва бошқа токсик моддалар сақланаётган омборни консервация қилиш			
1	Омбор жойлашуви бўйича кадастр хужжатларини белгиланган тартибда Сирдарё вилояти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси буюртмаси асосида расмийлаштириш.	Белгиланган муддатда	Давлат солиқ кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги, Давлат экология кўмитаси
2	Омбор худудида муҳандислик-геологик ва гидрогеологик тадқиқотларни ўтказиш.	2021 йил ноябрь	Давлат геология кўмитаси, Давлат экология кўмитаси
3	Омборни жойида консервация қилиш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини буюртма асосида ишлаб чиқишни таъминлаш.	2021 йил декабрь	Давлат экология кўмитаси
4	Лойиҳа-смета хужжатларининг санитария, экология ва қурилиш фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга мувофиқлиги бўйича белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш.	2022 йил январь	Давлат экология кўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
5	Объектни консервация қилишни молиялаштириш бўйича таклифни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш чораларини кўриш.	2022 йил февраль	Давлат экология кўмитаси
6	Бош пудрат ташкилотини белгиланган тартибда аниқлаш ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бошлаш.	2022 йил апрель	Давлат экология кўмитаси

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ижро муддати	Масъул ташкилотлар
II. Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, Қоракамар массиви манзилида жойлашган омборда сақланаётган захарли кимёвий ва токсик моддаларни ушбу туманда жойлашган махсус полигонга кўчириш ва махсус полигонни консервация қилиш			
7	Омборда сақланаётган захарли кимёвий ва бошқа токсик моддаларни махсус полигонга кўчириш ва махсус полигонни консервация қилиш бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжати буюртма асосида қайта ишлаб чиқилишини таъминлаш.	2021 йил декабрь	Давлат экология қўмитаси
8	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг санитария, экология ва қурилиш фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги бўйича белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш.	2022 йил январь	Давлат экология қўмитаси, Қурилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
9	Объектни консервация қилишни молиялаштириш бўйича таклифни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритиш чораларини кўриш.	2022 йил февраль	Давлат экология қўмитаси
10	Бош пудрат ташкилотини белгиланган тартибда аниқлаш ҳамда қурилиш монтаж ишларини бошлаш.	2022 йил апрель	Давлат экология қўмитаси

